



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабалжанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Otabek Alimardonov “MIGRATION AS A TOOL OF PUBLIC DIPLOMACY IN CENTRAL ASIA: CHALLENGES, STRATEGIES, AND PROSPECTS”.....	5
2. Nilufar Djurayeva SOVET DAVRIDA XOTIN-QIZLAR TASHKILOTLARI: MAQSAD VA VAZIFALAR, NATIJA VA MUAMMOLAR.....	14
3. Нодира Джанибекова ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ОЛИЙ МАЖЛИСА ВТОРОГО СОЗЫВА.....	25
4. Боходир Эшов, Нурали Ҳазратов, Шавкат Каромов УСТРУШОНАДАГИ ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАСИ ТАРИХИНИНГ ТАХЛИЛЛАРИ.....	30
5. Бехзод Исабеков ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИНИНГ КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИ: ОҲАНГАРОН, КАНДИРСОЙ МИСОЛИДА.....	38
6. Ibragim Ibragimov QUYI AMUDARYO HUDUDIDA HUNARMANDCHILIK TARIXI XUSUSIDA BA’ZI MULOHAZALAR.....	44
7. Shuhrat Norov ZARAFSHON VOHASI VILOYATLARIDA YOSHLAR TASHKILOTLARINING IJTIMOIIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDAGI ROLI.....	48
8. Muxlisa Ro‘ziyeva O‘ZBEKISTONDA 1991–2025- YILLARDA BOLALAR SPORT SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI.....	53
9. Xo‘sinboy Sapayev KO‘CHMANCHI SAK QABILALARINING DINIY E‘TIQODLARI, URF-ODAT VA AN‘ANALARI.....	58
10. Mansur Fayzullayev XX ASRNING 60-80-YILLARIDA O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGINING IXTISOSLASHTIRILISHI (SURXONDARYO, QASHQADARYO VILOYATLARI MISOLIDA).....	63
11. Турғунжон Ярмагов ЭТНОГРАФИК ЖИХАТДАН ФОЛЬКЛОП МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.....	68
12. Gulom Djumamuratov O‘ZBEK ULUSIDAGI OROL O‘ZBEKLARI ETNIK TARKIBIGA DOIR MANBALAR TAHLILI.....	73



Боходир Жўраевич Эшов,
 Қарши давлат университети
 Ўзбекистон тарихи кафедраси
 профессори, тарих фанлари доктори
Нурали Бурхон ўғли Ҳазратов,
 Қарши давлат университети
 Жаҳон тарихи кафедраси
 тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Шавкат Анвар ўғли Каромов,
 Қарши давлат университети
 Таянч докторанти

УСТРУШОНАДАГИ ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАСИ ТАРИХИНИНГ ТАХЛИЛЛАРИ

For citation: Bohodir D. Eshov, Nurali B. Khazratov, Shavkat A. Karomov. ANALYSIS OF THE HISTORY OF THE FIRST STATE ORGANIZATION IN USTRUSHON. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 9.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17548790>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек давлатчилиги тарихида Уструшона воҳасининг тутган ўрни ҳақида сўз боради. Сўнги антик ва илк ўрта асрларда ушбу тарихий-маданий ўлкада бошқарув сулоласи, марказий пойтахти, давлат чегараси, ҳарбий қўшини, танга-пул тизими ва бошқарув тизими мавжуд бўлганлиги масалалари тадқиқ этилади ва илмий муомилага киритилади. Уструшонанинг шимолий-ғарбий қисмлари ҳозирги Жиззах воҳаси ҳудудларига тўғри келиши таъкидланади.

Таянч сўзлар: Уструшона давлатчилиги, антик ва илк ўрта асрлар, Хитой йилномалари, Шарқий Сао, Суғд вилояти, Қанғ давлати, буюк Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Жиззах, Хўжанд, Салим ибн Зиёд.

Боходир Джураевич Эшов,
 Профессор, доктор исторических наук
 Кафедра истории Узбекистана
 Каршинский государственный университет
Нурали Хазратов
 Доктор философии (PhD) по историческим наукам
 Кафедра всеобщей истории
 Каршинский государственный университет
Шавкат Каромов
 Базовый докторант
 Каршинский государственный университет

ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РАННИЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ УСТРУШАНЫ.

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о месте оазиса Уструшона в истории узбекской государственности. Исследуются и включаются в научную дискуссию вопросы существования правящей династии, центральной столицы, государственной границы, военной армии, монетно-денежной системы и системы управления в этой историко-культурной стране в эпоху поздней античности и раннего средневековья. Отмечается, что северо-западные части Уструшоны соответствуют территории нынешнего Джизакского оазиса.

Ключевые слова: Уструшонская государственность, древнее и раннее средневековье, китайские хроники, Восточный Сао, Согдийская область, государство Канг, великое Турецкое ханство, Арабский халифат, Джизак, Ходжент, Салим ибн Зияд.

Bohodir D. Eshov,

Professor, Doctor of Historical Sciences

Department of History of Uzbekistan

Karshi State University

Nurali B. Khazratov,

Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences

Department of General History

Karshi State University

Shavkat A. Karomov,

Doctoral candidate

Karshi State University

ANALYSIS OF THE HISTORY OF THE FIRST STATE ORGANIZATION IN USTRUSHON

ABSTRACT

This article talks about the place of Ustrushona oasis in the history of Uzbek statehood. Finally, the issues of the existence of a ruling dynasty, a central capital, a state border, a military army, a coin-money system and a management system in this historical-cultural country in the late antiquity and early Middle Ages are researched and included in the scientific discussion. It is noted that the north-western parts of Ustrushona correspond to the territory of the present Jizzakh oasis.

Index Terms: Ustrushona statehood, ancient and early middle ages, Chinese chronicles, Eastern Sao, Sughd region, Kang state, great Turkish khanate, Arab caliphate, Jizzakh, Khojand, Salim ibn Ziyad.

Кириш. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларда турли манбаларга кўра Уструшонада бошқарув сулоласи, марказий пойтахти, давлат чегараси, қўшини, танга-пул тизими ва бошқарув тизимлари кабиларга ега бўлган, Буюк Ипак йўлидаги муҳим минтақа бўлган. Уструшона давлатчилиги ҳақидаги маълумотларни сўнгги йилларда амалга оширилаётган тадқиқотлар билан далилланмоқда. Ушбу тарихий маданий ўлка ҳудудий жиҳатдан бир қанча қисмларни ўз ичига олган минтақа бўлиб, ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти ва Қирғизистонинг Лайлак туманини қамраб олган. Унинг шимолий-ғарбий қисми ҳозирги Жиззах воҳаси ҳудудига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда хронологик кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, детерминизм тамойиллари, тизимли ёндашув, ҳолислик тамойиллари каби методлардан унумли фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама. Ўзбекистон ҳудудида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг кейинроқ сиёсий институтиларга айланиши тарихий-

географик ва минтақавий жойлашуви, давлатчилик, пайдо бўлишининг асосий омиллари, кўшни ўлкалар билан ўзаро алоқалари билан боғлиқ масалаларни татқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистоннинг асрлар давомида шаклланган давлатчилик анъаналарида Уструшона давлат уюшмаси ҳам асосий ўрин тутди. Ушбу тарихий маданий вилоят жанубий ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари билан кўчманчи ҳаёт тарзи асосида чорвачилик билан шуғулланадиган шимол ва шимоли-шарқий дашт ҳудудлари кесишган нуқтада бўлиб, минтақаларни бир-бири билан ўзаро боғлайдиган муҳим географик ҳудуд жойлашган.

Сўнги антик ва илк ўрта асрлар даври Уструшона давлат уюшмаси тўғрисидаги нисбатан аниқроқ маълумотларни Хитой йилномаларида қисман кам бўлсада юнон ва Рим муаррихлари асарларида учратишимиз мумкин. Ушбу манбаларда Уструшона сиёсий тарихи ва тарихий географияси ҳақида биз учун керакли маълумотлар берилган. Хусусан, А.Г.Малаякин, Н.Я.Бичурин каби тадқиқотчилар илк ўрта аср Хитой ёзма манбалари асосида минтақани Шуайдушона, Судуйшона, Сзебусзюйна, Судушина тарзида номланганлигини келтириб ўтадилар. Хитой йилномаларидан Бей-ши ва Суй-шу кабиларда Уструшонани Шарқий Сао (сувсизлик) шаклида қайд етилган. Шунингдек, Сима-Сян томонидан мил. авв. II аср охири I аср бошида ёзилган “Ши-сзи” 123 бобида, Бан-Гунинг “Сян-ханшу” (“Улуғ хонадон тарихи”) мил. авв. 206 йил-мил. 23-йилдаги асарнинг 95-боби, Ли Ян-шоу томонидан 336–581-йилларда ёзилган манбанинг 97-бобида “Бей-ши” (“Шимолий хонадонлар тарихи”) каби тарихий манбаларда Уструшона мамлакатига доир дастлабки маълумотлар берилган[1. С-243, 296-297, 325.].

Таъкидлаш лозимки, Уструшона ҳақидаги антик давр муаллифлари Геродот, Полибий, Страбон, Диодор, Помпей Трог, Катта Плиний, Дионисий Периегит, Птолемей асарларида жуда кам маълумотлар қайд етилган. Кам бўлсада ушбу маълумотлар асосида қадимги давр Уструшона ҳақида маълум ахборотни таҳлил этишимиз мумкин[2. С-13]. Хусусан, мил. авв. V асрда яшаган юнон тарихчиси Геродот ўз асарида сатрапликлар ҳудудини келтириб, “бактрияликлардан эгларгача бўлган ҳудуд”ни 12 сатраплик деб ёзади[3. С-209.].

Мил. авв. II аср ва милодий II асрда яшаган Страбон ўзининг “География” асарида Каспий денгизидан ўнгда яшаган скифлар ва сарматлар асосида қадимги Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, у: “Каспий денгизининг нариги томонида яшаган кабилаларга келсак, , гарчи бу тарихчилар Кир ва массагетлар ўртасидаги урушни тасвирлаб беришган бўлсаларда улар баъзиларини саклар, баъзиларини еса массагетлар деб аташган, улар ҳақида қадимги тарихчилар аниқ бир маълумот бера олишмаган”[4. С-312, 480, 483.]. Уструшонани антик давр тарихчиси асарида айнан келтирмасада куйидаги маълумотни беради: - “кейин Бактрия ва Суғдиёна ва охирида скиф кўчманчилари келади”, “Бактириядан юқорида Окс ва Яксарт дарёлари оралиғида Суғдликлар ва кўчманчилар ўртасида чегара шаҳар жойлашган. Кир охириги шаҳар, бу шаҳарга Яксарт бўйида Киропол асос солган. Ушбу шаҳар форслар давлатининг чегараси ҳисобланган”[5. С-312, 480, 483, 488-489.]. Дионисий Периегит маълумотида берилишича: “Суғдиёнанинг нариги тарафида, Яксартнинг оқими бўйлаб, камон билан урушувчилар, жаҳонга тенги йўқ камончилар, битта ҳам ўқини таваккал отиб кеткизмайдиган саклар яшайди”[6. С-57.].

Баъзи Уструшона тўғрисидаги маълумотларни Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ёзиб қолдирилган тарихий манбаларда учратиш мумкин. Ушбу минтақа ҳақида Арриан Флавий ва Квинт Курсий Руф асарларида айрим маълумотлар берилган. Хусусан, Аррианнинг “Искандарнинг юришлари” асари мил. II асрда ёзилган бўлса-да, у замондошларининг асосий манбаларидан фойдаланган ҳолда воқеаларни изчил тасвирлайди[7. С-91.]. Манбаларга кўра Александр Македонский Самарқанд қадимий пойтахти Мароқанд ҳудудини забт етгандан кейин Танаис, яъни, Сирдарё томонга ҳаракатни бошлайди[8. С-82.]. Ушбу йўналишда кўшин олдидаги таъминотчилар кўшини маҳаллий аҳоли томонидан кириб ташланади. Шундан сўнг Александрнинг ўзи асосий кўшини билан мазкур йўналишда ҳаракатланиб, маҳаллий аҳоли жойлашган тоғли қояни қийинчилик билан

егаллайди. Маълумотларни тарихан таҳлил етадиган бўлсак, Македонский қадимги Уструшона худудидан ўтганлигини ҳамда қадимги уструшоналиклар билан жанг қилганлигини тушунишимиз мумкин[9. С-12.].

Манбаларнинг таҳлилларига кўра Квинт Курсий Руфнинг “Александр Македонский тарихи” асари, кўплаб оддий ва фантастик тафсилотларга қарамай, бошқа муаллифларда етишмаётган қадимги Уструшона ҳақида жуда ишончли ва қизиқарли маълумотларни ўз ичига олади[10. С-91.]. Умуман олганда қадимги Уструшона антик давр тарихий манбаларда “Суғд орти сак ўлкаси” деб номланиб, алоҳида худудий бирлик сифатида келтирилади. Ушбу минтақа чегара худуди Сирдарё ғарбидаги Киропол (Ўратепа) шаҳри келтирилиши ҳам географик табиий чегара вазифасини ўтаганини кўришимиз мумкин.

Александр Македонскийнинг ўлимидан кейин унинг саркардалари тахт учун кураш олиб боришади. Ушбу жангларда Марказий Осиё минтақасида Александир ўлимидан сўнг Салавка (358–281-йй) ҳокимиятни егаллайди. Мил. авв. 312-йилда Ўрта Осиёда Салавкилар хукмронлиги тўлиқ ўрнатилади. Юнон-Бақтрия подшолиги мил. авв. 250-йилда сиёсий ҳокимиятни егаллайди. Археолог М.Пардаевнинг таъкидлашича, Уструшона худуди бу даврларда Суғд билан бирга Салавкилар ва Юнон-Бақтрия давлатларига фақат сиёсий тобеликда бўлиб, бож ва солиқларни тўлаб турган[11. С-282-283.]. Худудлар ички бошқаруви эса маҳаллий хукмдорлар қўл остида сақланиб қолган.

Мил. авв. 160-йилларда Уструшона Суғд билан биргаликда Юнон-Бақтрия давлатидан мустақилликка эришади ҳамда жанубий вилоят сифатида мил. IV асргача Қанғ конфедератив давлати таркибига кўшилади[12. С-283.]. Қанғ давлати ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига кўтариллиши мил. авв. II – мил. II асрларга тўғри келади. Бу даврда ярим мустақил худудларни ўз ҳокимияти остида бирлаштирган Қанғ конфедератив подшолиги ҳисобланган бу давлат ўзбек давлатчилиги тарихида қудратли ҳисобланган[13. С- Б. 142.]. Демакки, Қанғ конфедератив давлати таркибида бўлган даврда Уструшона вилоят сифатида иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган ҳамда унда давлатчиликнинг асосий омиллари шаклланган.

Маълумотларга кўра милодий IV-VI асрларда Ўрта Осиё худудларига кўплаб кўчманчи қабилалар кўчиб келиши кузатилади. Жумладан, IV аср ўрталарида хионийлар дастлаб Сирдарёнинг чап этагида жойлашган Уструшона худудидан Суғдга томон юриш бошлашган. Уструшонанинг шимолий, шимоли-ғарбий сарҳадлари хусусан, Жиззах воҳаси хионийлар томонидан истило қилинган дастлабки маданий воҳа ҳисобланади[14. С-285.]. Ўрта Осиё худудига кириб келган бу кўчманчи халқлар маҳаллий хукмдорликларга ички мустақиллигини сақлаб қолиш имконини тақдим етиб, солиқ олиш билан чекланган.[15. С-103.].

Айнан, V аср ўрталарида манбалар асосида Уструшона мамлакатининг расмий фаолияти бошланган давр бўлиб, хионийлар хукмронлик даврига тўғри келади. Хусусан, Хитой йилномаси “Бей-ши” нинг 435-йил тарихи баён қилинган 97-бобида илк бор Уструшона номи қайд етилиб, Судуйшона тарзида эътироф қилинган[16. С-286.].

Яна бир кўчманчи қабилалар ефталийлар ва Турк хоқонлиги VI асрнинг ўрталаридан бошлаб ўзаро Ўрта Осиё учун кураш бошлашади. Бу курашда Турк хоқонлигини кўли баланд келиб, кўплаб худудлар сингари Уструшона мамлакати устидан ҳам ўз хукмронлигини ўрнатади[17. С-103.]. Илк ўрта асрлар даврида ўзбек давлатчилиги тарихида камёб сиёсий тажриба замони ҳисобланиб, Буюк Турк хоқонлиги Ўрта Осиёдаги маҳаллий давлат уюшмалари хусусан Уструшонани ўз ички муҳториятини сақлаган ҳолда таркибига кўшиб олган еҳтимоли юқори эди[18. С- Б. 5.].

Ушбу тарихий-маданий вилоят Ғарбий Турк хоқонлиги даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолган. Бу ҳақида 629-йилда минтақадан ўтган Хитойлик саёҳатчи ва роҳиб Сюан-Сзын ўз эсдаликларида келтириб ўтган. Жумладан, уни ёзишича: “Сутулисена (Уструшона) мамлакатининг худуди минг тўрт юз ёки минг беш юз ли чиқади. Шарқий томони Ёе (Сирдарё) дарёси билан чегараланади. Дехқончилиги ва урф-одатлари Че-ши

(Чоч) ликларникига ўхшаш, ўз бошқарувчисига эга, Тук-юе, яъни, Турк хоқонлигига бўйсунди”[19. С-366.].

Милодий VI-VII асрларда Устурушона тарихий-маданий ўлкаси бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ўрганилган изланишларга қараганда, илк ўрта асрларда ҳудудга тарихий географик чегарадош минтақалар Суғд, Чоч, Фарғона, ва Тохаристон каби воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлган. Устурушона ўзининг муайян ҳудуди, бош шахри, ҳукмдор сулоласи, бошқарув ашарати, маъмурий ва ҳудудий бирликлари, ҳарбий қўшини, ҳокимият рамзлари, танга-пул тизими ва шу каби бир қатор давлатчиликка хос белгиларига эга бўлган[20. С-124–129.].

Маълумки, VII аср ўрталаридан IX аср давомида Араб халифалиги томонидан Ўрта Осиё ҳудудларига босқинчилик юришлари амалга оширилади. 712-йилда Мовароуннаҳрда тўпланган қўшин ёрдамида араблар Самарқанд Суғдини эгаллаб, кейинги ҳужум Жиззах ва Хўжанд минтақаларига илк юришларини амалга оширадилар[21. С-68.]. Уструшонага дастлабки юриш Хуросон ноиби Салим ибн Зиёд даврида, иккинчи юриш Муҳаллиб ибн Суфра қўмондонлиги остида бўлган. VIII асрда Уструшона ҳукмдори Харахура Хуросон ноиби Фадл ибн Яҳёга тобелигини тан оладиган битимни имзолайди. Бу тобелик рамзий маънога эга бўлган. Минтақанинг шаҳар, қалъа, кўрғон ва рустоқлари асосан тоғли, чиқиш қийин қоялар устида жойлашганлиги ҳамда мураккаб табиий географияси туфайли Уструшона ўз мустақиллигини 822-йилга қадар сақлаб қолади[22. С-308.].

Уструшона 822-йилда Хуросон ноиби Талха ибн Тоҳир томонидан истило қилинади. Бу юриш натижасида Уструшона афшини Ковус Араб халифалигига тобе бўлиш орқали ўз лавозимини сақлаб қолади. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган сомонийлар 893-йилда Уструшона ҳукмдорлик нисбаси бўлган афшинийлар сулоласини тугатади. Айни шу даврдан бошлаб, Уструшона атамаси алоҳида сиёсий тизим яъни мамлакатни эмас, балки муайян вилоятнинг географик номи сифатида манбаларда келтирила бошланади[23. С-308, 311.].

Уструшона давлат уюшмаси араб ва форс муаллифлари томонида ёзилган манбаларда турлича Сурушана (Худуд ал-олам), Ушрусана (Ал-Балозурий, Ат-Табарий, ал-Истаҳрий, Ибн Ҳавқал) деб номланган. Муғ ғоридан топилган суғд ҳужжатларини таҳлил қилган тадқиқотчи В.А. Лившиц томонидан мамлакат номи “Уструшона” бўлганлиги қайд этилади[24. С-222.]. Хусусан, Суғд ҳукмдори Диваштичга элчиси Фатуфарн томонидан ёзилган мактубда Уструшона номи келтирилиб, ҳудуд араблар босқинига учрагани тўғрисида маълумот беради[25. С-7.].

Маълумки, антик ва ўрта асрлардаги географик муҳит аҳоли манзилгоҳлари тизими ва иқтисодий салоҳиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Тадқиқотчилар Уструшона ҳудудини тарихий географик жиҳатдан жойлашуви, табиати, ландшафти ва иқлим шароитига кўра 3 қисмга бўладилар. 1. Жанубий қисми Туркистон тоғ тизмалари ва унинг ён атрофларидаги сувликлари билан бирга улкан тоғликлардан иборат. 2. Марказий қисми тоғ олди ва сойларни ўз ичига олади. 3. Шимолий қисмида эса даштдан ташкил топган кенгликлар мавжуд[26. С- Б. 90.].

Қадимги Уструшона географик ўрнига кўра шарқдан Фарғона, шимолдан Чоч (Тошкент), ғарбдан Суғд (Самарқанд) каби тарихий-маданий ўлкаларнинг ўртасида жойлашган. Минтақа табиий иқлим шароитига хос тарзда азалдан локал хусусиятларга эга хўжалик юритиш асосида ҳаёт шаклланган. Уструшонанинг жанубий-ғарбий чегараси тоғлар билан, шимолий-ғарбий томони кенг дашт ва чўллар, шарқий қисми эса Фарғона ва Чоч деҳқончилик водийлари билан ўралган. Минтақа Суғднинг Маймурғ мулкига чегарадош бўлиб, Зарафшонинг юқори оқимидаги Суғд қишлоқларига Уструшона орқали ўтилган[27. С-183–202.]. Уструшонанинг жануби-ғарбида Маймурғ аҳолиси кўп, серсув ва деҳқончилик тараққий этган вилоятлардан бири ҳисобланган. Ушбу ҳудуд Зарафшон водийсининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган[28. С-56.].

Суғдиёнага чегарада жойлашган Уструшона қадимги давр аҳолисининг баъзи қисми кўчманчилик билан шуғулланганлиги ҳамда бу ҳудуд ҳақида умумий маълумотлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Уструшонанинг жанубий сарҳадларидаги Туркистон

тоғларидан бош олган ва водий томон оққан дарё ва дарёчалар, сой ва булоқ-чашмалар ҳавзасида қадимдан аҳоли ўтроқ яшаган, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик билан шуғулланган.

Уструшонанининг тарихий географияси ҳақида турли тадқиқотчилар ўз тадқиқотларини амалга оширганлар. Хусусан, В.В.Бартольднинг ёзишича: “Самарқанд ва Хўжанд ўртасидаги деярли барча кенглик Осрушана ёки Сутрушана мамлакатини таркибига кирган”[29. С-86.] шаклида талқин этади. М.Е.Массон маълумотига кўра, Уструшона топоними М.Е.Массон таҳлилига асосан, Жиззах ва Ўратепа оралиғидаги кенг маънода тушуниладиган ҳудудларга нисбатан ишлатилган. Унга жануб томондаги тоғлик вилоят Буттам қўшилганидан сўнг[30. С-86.], мазкур ном бошқа ўлкаларга қиёсан ҳам қўлланилган.

Илк ўрта аср араб муаллифи ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ал-ард” асарида ёзишига кўра: “Бутун Ушрушанада кема юрса бўладиган дарё ҳам, кўл ҳам мавжуд эмас лекин унинг екинзорлари, яйловлари ва қишлоқлари обод, ҳосилдор ва турли туман-маҳсулотларга бой”[31. С-70.] минтақа ҳисобланади. Бунинг сабаби Уструшонада мавжуд оқар сув манбалари кичик дарё, сой ва булоқ шаклида бўлиб, қадимий уструшоналиклар мана шу оби ҳаёт ҳавзалари бўйидаги дастлабки маконларда ҳаёт кечирганлар. Ушбу сув манбалари Уструшона ҳудудий бўлиниши каби учта тарихий географик ҳудудга бўлиб қайд этишимиз ўринли бўлади. Марказий Уструшона ҳудудидаги сув манбалари таркибига–Басмандасой, Каттасой, Шахристонсой, Нижонисой, Қипчоқсой каби сойлар киради.

Уструшона давлат уюшмаси географик жиҳатдан шимолий-ғарбий, шимолий ва марказий қисмлардан иборат бўлиб, шимолий-ғарбий қисми ҳозирги Жиззах воҳаси ҳудудларини ўз ичига олади. Айнан шу ҳудудни чегаралашда Сангзор ва Зоминсув дарёлари орасидаги жойлар тушунилиб, Сангзор дарёси Баҳмал (Бурнамад), Галлаорол (Харакана), Жиззах (Фағнон) каби тарихий воҳалар аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ўринга ега бўлган. Жиззах воҳасида Сангзор ва Зоминсувдек дарёчалар, Туркистон тизмаларида бошланган ўнлаб сой ва булоқларнинг тоғ ва тоғ олдидаги нисбатан чегараланган ҳавзаларида, камида илк темир давридан бошлаб ўтроқ деҳқончиликка, Мирзачўл, Қизилкум даштларида эса кўчманчи чорвачиликка доир хўжаликлар маданиятига асос солингани археологик тадқиқотлар орқали аниқланган[32. С-87.].

Уструшонанинг географик томонлама қулай жойлашуви, Туркистон тизмаларидан бош олувчи ўнлаб сой ва булоқлар, Моргузар, Сангзор ва Зоминсув дарёлари ҳавзасидаги деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик учун ҳосилдор бўлган обикор ва лалмикор ерларнинг кўплиги, тоғолди ва дашт яйловларининг чорва боқиш учун қулай ва бепоянлиги сабабли воҳада ўтроқ ҳаёти неолит давридан бошланган. Жиззах ва Зомин воҳаларида милоддан аввалги II-I асрларда шаҳарсозлик маданияти ва шаҳар ҳаёт тизими пайдо бўлиб, ривожланиши археологик қазув тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Уструшонанинг илк ўрта аср сиёсий, ижтимоий тарихи бўйича манбалар атрофлича бўлса-да, улар мамлакат учун муҳим сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг хабарини беради. Уструшона давлат уюшмаси ўрта асрларда маъмурий тузилишига кўра 18 та рустоқ яъни қишлоқ хўжалигидан ташкил топган бирликларга бўлинган. Мазкур рустоқлар ҳудудига кўра унча йирик бўлмаган ҳамда маҳаллий бошқарувчи зодагон-деҳқонлар, уруғ жамоанинг саркорлари орқали ҳокимият амалга оширилган. Барча рустоқлар бошлиқлари–саркори ўзи учун ҳарбий кўриқчи тузилмаси мавжуд бўлган. Рустоқлар саркорларининг барчаси умумий бошқарувчига, мамлакат ҳукмдори ҳисобланган бутун Уструшона Афшинига бўйсунган ва ўзининг ҳокимияти остида маълум чекланган сондаги ҳарбийлар ва диний-руҳоний тизим ва фуқоролик гуруҳи устидан ҳукмронлик тўпланган. Мамлакат ҳукмдори Афшин йирик ер эгаси бўлган[33. С-291.].

Фекнон номи билан аталган тарихий ҳудуд Уструшона давлат уюшмаси таркибига кирган ва минтақа ҳаётида муҳим ўрин тутган. Фекнон ўзининг географик ўрнига кўра қисман Жиззах воҳасига тарихий-географик жиҳатдан тўғри келиб, Фекнон рустоқининг марказий йирик шаҳри Дизак, бугунги кундаги Жиззах шаҳри сиёсий-иқтисодий, маданий

соҳаларда ва айниқса, савдогарлар тижоратида бир қатор қулайлик ва жойлашув афзалликларига эга бўлган.

Ўрта асрларда Мовароуннахрнинг қуруқликдаги “савдо бандаргоҳи” сифатида эътироф этилган Дизак Самарқанд учун Я.Ғуломов таъбири билан айтганда, табиий “шарқий дарвоза” вазифасини ўтаган[34.С-92-93.]. Уструшонанинг сиёсий ҳолатига кўра асосий ўринга ега ҳисобланган Фекнон рустоки, унинг бош шаҳри Дизак ҳозирги Қалия маҳалласидаги Қалиятепа археологик-манзилгоҳи ўрнига мос келиши мутахассислар томонидан илмий тадқиқ этилган[35. С-198.]. Жиззах воҳаси илк ва ривожланган ўрта асрларда Уструшона давлатининг асосий қисми ҳисобланган. Жиззах шаҳри ҳудудида Қалиятепа каби янги шаҳарлар антик даврда юзага келиб, ўзининг ривожланиш босқичини босиб ўтган[36. С-282.].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – С. 78; Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – С. 243, 296-297, 325.
2. Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 13.
3. Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г.А. Стратановского. (В 9 кн). – Москва, 2002. – С. 209.
4. Страбон. География. Перевод, статья и комментарии Г.А. Стратановского. – Ленинград: Наука, 1964. – С. 312, 480, 483.
5. Страбон. География. – С. 312, 480, 483, 488-489.
6. Зохир А. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида: терма парчалар. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2008. – Б. 57.
7. Буряков Ю., Грицина А. Мавераннахр на великом шелковом пути. – Самарқанд, 2006. – Б. 91.
8. Зохир А. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида: терма парчалар. – Тошкент, 2008. – Б. 82.
9. Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадим ва илк ўрта асрларда. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2017. – Б. 12.
10. Буряков Ю., Грицина А. Мавераннахр на великом шелковом пути. – С. 91.
11. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 282-283.
12. Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 283.
13. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 142.
14. Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 285.
15. Murtazoyeva R. O‘zbekiston tarixi. – В. 103.
16. Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 286.
17. Murtazoyeva R. O‘zbekiston tarixi. – В. 103.
18. Ғойибов Б.С. Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули: Тарих фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – Б. 5.
19. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan. – S. 125; Алманов Қ. Ғарбий Турк хоқонлигининг Уструшонани ўз таркибига қўшиб олиши ва сиёсий-маъмурий ҳолат // O‘zbekiston milliy universiteti xabarлари. 2020, 1/6/1. – В. 19–26; Гафуров Б.Ғ. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – С. 366.

20. Алманов Қ. Илк ўрта асарлар Уструшона тарихини ўрганилиши//Қадимий Жиззах воҳаси-тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар чоррахасида. Жиззах, 2021. – Б. 124–129.
21. Сағдуллаев А. Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академија, 2006. – Б. 68.
22. Ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон (Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин). – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2017. – Б. 287.; Табари. “История” ат-Табари. Перевод с арабского В.И. Беляева. –Ташкент. 1987. –440 с.; Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 308.
23. Ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон (Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин). – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2017. – Б. 287.; Табари. “История” ат-Табари. Перевод с арабского В.И. Беляева. –Ташкент. 1987. –440 с.; Пардаев М.Х. Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 308, 311.
24. Лившица В.А. Согдийские документы с горы Муг. Юридические документы и письма. Вып. 2 / Чтение, перевод и комментарии. – Москва: ИВЛ, 1962. – С. 222.
25. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7.
26. Буряков Ю., Грицина А. Мавераннахр на великом шелковом пути. – Б. 90.
27. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана/Соч. – Москва: ИВЛ, 1927. Т. II (1). – С. 188-189; Негматов Н. Настенная живопись дворца афшинов Уструшаны//СА, 1973. – С. 183–202.
28. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 56.
29. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. – Москва, 1963. Т. I. – С. 221; Pardayev M.H., Toshboyev F.T. Ustrushonaning qadimgi davr davlatchilik tarixi. – В. 86.
30. Pardayev M.H., Toshboyev F.T. Ustrushonaning qadimgi davr davlatchilik tarixi. – В. 86.
31. Ибн Ҳавқал. Китоб Сурат ал-ард. – Б. 70.
32. Бетгер Е.К. Извлечения из книги “Пути и страны” Абу-л Касыма ибн Хаукаля. – С. 87.
33. Пардаев М., Ғофуров Ж. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 291.
34. Гулямов Я.Г. Кладбище Кульпи– Сар // ИМКУ. Вып. 2. – Ташкент: Фан, 1961. – С. 92-93.
35. Пардаев М.Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда. – Б. 198.
36. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. – Б. 282.



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000